

## РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР ВА ТОЛИБЖОН СОДИҚОВНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ОПЕРАСИДА МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Муяссархон Ачилдиева

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факультети “Муסיқа таълими”  
кафедраси ўқитувчиси

Икромова Фарангис Йигитали қизи

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети Муסיқий таълим йўналиш  
3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6895602>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Рейнгольд Глиэр ва Толибжон Содиқов қаламига мансуб “Лайли ва Мажнун” операсида мақом анъаналари ва йўлларининг қўлланилиши бўйича атрофлича фикр ва мулоҳазалар акс этган. Мақола муסיқа санъати соҳаси изланувчилари учун фойдали бўлиши мумкин.

**Калит сўзлар:** симфония, опера, фольклор, либретто, мақом, анъанавий муסיқа, муסיқа маданияти.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДОВ МАКОМА В ОПЕРЕ «ЛЕЙЛИ И МЕДЖНУН» РЕЙНГОЛЬДА ГЛИЕРА И ТОЛИБДЖОНА СОДИКОВА

**Аннотация.** В данной статье содержатся подробные размышления и комментарии об использовании макомных традиций и приемов в опере «Лейли и Меджнун» Рейнгольда Глиэра и Толибджона Содикова. Статья может быть полезна для интересующихся сферой музыкального искусства.

**Ключевые слова:** симфония, опера, фольклор, либретто, статус, традиционная музыка, музыкальная культура.

## THE USE OF MAQOM METHODS IN THE OPERA "LEYLI AND MAJNUN" BY REINGOLD GLIER AND TOLIBJON SODIKOV

**Abstract.** This article contains detailed reflections and comments on the use of maqom traditions and techniques in the opera "Leyli and Majnun" by Reinhold Gliere and Tolibjon Sodikov. The article may be useful for those interested in the field of musical art.

**Keywords:** symphony, opera, folklore, libretto, status, traditional music, musical culture.

## КИРИШ

Ўзбек муסיқа санаъатида ХХ асрнинг биринчи ярмини янги муסיқа маданияти қурилиши даври десак муболаға бўлмайди. Бу даврда ўзбек муסיқа маданиятида анъанавий муסיқа ва бастакорлик ижодиёти ривожланади. Муסיқа маданиятига Европа муסיқасининг ижодий воситалари кириб кела бошлайди. Жумладан, муסיқа жамиятлари, ижодий жамоалар, муסיқали театрлар ташкил топади. Улар негизида ўзбек муסיқа маданиятига янги жанрлар кириб кела бошлайди. Бу жанрлар орасида йирик сахна асари ҳисобланмиш «опера» ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шарқ ҳалқлари, шу жумладан ўзбек ҳалқи ҳам қадимдан бой муסיқий меросга эга бўлган. Шу даврдан бошлаб муסיқий меросимизнинг икки улкан қатлами, яъни ҳалқ оғзаки ижодиёти (фольклор) ва анъанавий муסיқага янгича қараш, уларни тўплаб ёзиб олиш ва амалиётда қўллаш жараёни бошланади. Ёш ўзбек композиторлари ўзлари учун умуман нотаниш бўлган янги муסיқа санъатини

ўрганиб, бу жанрларда самарали ижод қила бошлайдилар. Опера ҳам бу даврда ўзбек халқи ҳаётига кириб келган янги жанр эди. Опера мусикадаги энг мураккаб жанрлардан бири бўлганлиги сабабли ёш ўзбек композиторлари учун анча қийинчиликлар туғдирди. Ўзбек ушбу сахнавий жанрнинг барча қонун-қоидаларини сақлаб қолган ҳолда халқчил бўлиши талаб этилар эди. Бу борада ёш ўзбек композиторларига рус композиторлари жуда яқиндан ёрдам баришди. М. Ашрафий, Т. Содиков каби ўзбек композиторлари С.Н. Василенко, Р. Глиэр каби рус композиторлари билан ҳаммуаллифликда ижод қилдилар ва биринчи ўзбек опералари «Бўрон» (1939), «Улуғ канал» (1941) (С. Василенко, М. Ашрафий), «Лайли ва Мажнун» (1940), «Гулсара» (1949) (Р.Глиэр, Т.Содиков) опералари яратилди.

Ушбу даврда Ўзбекистонда янги мусика маданияти курилиши туфайли мусикали театрлар очилишига катта эътибор берилди. Жумладан, 1918-йил Тошкентда рус опера театри ўз фаолиятини бошлади. 1929-йил Самарқандда ўзбек мусикали драма театри очилди ва унинг сахнасида биринчи ўзбек мусикали драмалари қўйила бошлади. 1939-йил ўзбек мусикали театри иккита театрға бўлинади. 1-Ўзбек мусикали драма театри, 2-Ўзбек опера театри. 1948-йил Рус ва Ўзбек театрлари бирлашиб, А.Навоий номидаги опера ва балет театри ташкил топади ва «Бўрон» операси билан иш бошлайди. Бу театрларнинг очилишидан мақсад, улар орқали янги мусика санъати жанрларини кенг омма орасида тарғиб қилиш эди. Ўзбек композиторлари ўз операларига миллий бўёқни бериш мақсадида, миллий сюжетларға мурожаат этишди. Симфоник оркестрлар таркибига карнай, ноғора, чанг, доира каби бир гуруҳ ўзбек чолғулари киритилди. Шу билан бир қаторда фольклор ва анъанавий мусика наъмуналаридан ихтибос сифатида унумли фойдаландилар.

Опера жанри ҳозирги кунда ҳам диққат-эътиборни жалб қилаётган жанрлардан биридир. Мустақилликнинг илк йилларида «Ўзбекка опера керакми?» деган мақолалар пайдо бўлди. Афсуски, ҳозирги кунга келиб композиторлар томонидан ҳам, тингловчилар томонидан ҳам бу жанрга эътибор сусайганлигини кузатиш мумкин. Танланган мавзуга ўтишдан олдин биз операнинг бир қатор муаммолари хақида сўз юритишни жоиз деб топамиз. Операнинг олдида турган муаммолардан бири бу- **либретто муаммосидир**. Бирорта ўқув юртида либретточи тайёрланмайди. Кўп Европа композиторлари (М. Мусорский, Р. Вагнер ва ҳ. к) ўзлари либретто ёзишган. Баъзи композиторлар эса бошқа композиторларға либретто ёздиришган. Масалан П.И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсини унинг укаси М. Чайковский ёзади. Операнинг муваффақиятли чиқишида либреттонинг ўрни бекиёс эканлиги барчага маълум.

Либретто хар томонлама мукамал ёзилмаса, у бадий манбанинг бутун драматургияси, моҳиятини ўзгартириб юборади. Афсуски бундай ҳоллар ўзбек операларида ҳам учрайди. Масалан: Р.Ҳамраев «Зулматдан Зиё» операсини Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романига асосланиб Т. Тўла либретто ёзган. Операда асарнинг мазмуни ўзгарганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. М.Ашрафийнинг «Дилором» операси Алишер Навоийнинг «Саббаи Сайёр» асарига Комил Яшин либреттоси асосида ёзилган. Лекин либреттога асарда умуман йўқ воқеалар киритилган. Шундай камчиликлар билан бир қаторда ўзбек опералари орасида либретто томондан мукамал ёзилган асарлар ҳам талайгина. Масалан «Бўрон» (К.Яшин либреттоси) ва «Лайли ва Мажнун»

(Хуршид либреттоси) опералари илк ўзбек опералари бўлсаларда, лейтмотив тарафдан мукамал асарлар десак бўлади.

Опера муаммоларидан яна бири бу- **ижро масаласи**. Агар мусиқада профессионал жиҳатдан мукамал ижро бўлмаса, яхши либретто, яхши оҳанг бўлсин, опера тўлақонли чикмайди. Опера муаммоларига қисқача тўхталиб ўтган ҳолда, курс ишимизнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб оламиз. Биз бу ишимизда ўзбек композиторлари ижодида анъанавий мусиқага таяниш масаласи, хусусан Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» операсида қўлланилган мақом йўллари масаласини ёритишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик, уни амалга ошириш жараёнини ўз имкониятларимиз даражасида бу мавзунини ёритишга ҳаракат қилдик.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўзбек композиторлари ижодиётида мусиқий меросимизнинг икки йирик қатламига ҳам бирдек мурожаат этилган. Бунинг сабаби эса Европа мусиқа жанрлари намойиши орқали, уларда халққа таниш бўлган оҳанглардан фойдаланилган. Бизнингча бу омил асарни омма орасида шу жанрларга нисбатан қизиқиш уйғотиш учун қилинган ҳаракат деб тушуниш мумкин. Ўзбек операларига келсак, уларда мусиқий меросимизнинг икки қатламига ҳам бирдек таяниб, фольклор ва анъанавий мусиқа намуналаридан иктибос сифатида фойдаланилган. Операларнинг айримлари (масалан, “Бўрон”) фақат халқ куй-қўшиқлари асосида яратилган бўлса, айримларида фақат анъанавий мусиқадан фойдаланилган. (масалан, “Лайли ва Мажнун” операси). Баъзи операларда эса фольклор ҳамда анъанавий мусиқадан кенг фойдаланилган.

Уларга батафсил тўхталиб ўтамиз:

Илк ўзбек операси «**Бўрон**»да халқ кўшиқлари ва илк ўзбек композитори Х.Х. Ниёзийнинг кўшиқларидан иктибос сифатида фойдаланилган. Жумладан, Хамзанинг «Ишчи бобо» кўшиғи, «Гул ўйин», «Гиря козоқ», «Чаманда гул» халқ кўшиқлари ва «Тановор» халқ куйидан фойдаланилган.

Бундан ташқари «**Улуғбек**» операсида (А.Козловский 1959) халқ куйларидан бири «Гул юз узра» IV картинадаги қизлар хоридида фойдаланилган.

«**Улуғ канал**» операсида (А.Василенко, М.Ашрафий 1949) II қисмдаги «Ёшлар кўшиғи» «Савти Муножот» куйи асосида яратилган.

«**Гулсара**» операсида (Р.Глиэр, Т. Содиқов 1949) машҳур хоразмча куй «Феруз», бундан ташқари Сегоҳ мақом йўлларидаги куйлардан фойдаланилганлигини қайд этиш мумкин. Иброҳим образининг мусиқий тили Наво мақоми куйларига асосланган.

«**Фарҳод ва Ширин**» операси (В.Успенский, Г.Мушель 1941) таркибидаги аксарият яқка номерлар, бош қахрамон Фарҳоднинг еттита ариясини Фарғона-Тошкент мақом йўлларига асосланган. Жумладан, «Дугоҳ Хусайний», «Дугоҳ-2», «Чоргоҳ», «Мискин-2», «Баёт I», «Сувора» каби мақом йўллари билан бир қаторда «Сув келар аста», «Фарғонача», «Ёш куёш», «Гул ўйин» каби халқ кўшиқларидан фойдаланилган.

«**Тохир ва Зухра**» (Б.Бровцин. Т.Жалилов) операсида Хоразм маликаси Моҳимнинг характеристикаси «Бузрук» мақомидан «Қашқарчаи Мўғулча Бузрук» асосида ёзилган. Келтирилган мисоллар операларда ўзбек анъанавий мусиқасидан самарали фойдаланганлигидан далолат беради. Илк ўзбек операларини таҳлил қилган

холда шундай хулосага келамизки, уларда Шашмақом ва ва айникса Фарғона-Тошкент мақом йўлларида кенг фойдаланилган бўлсада, Хоразм мақомларига мурожаат деярли сезилмайди. Қуйида биз анъанавий мусиқадан иктибос сифатида фойдаланилган яна бир асар- Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операси хақида сўз юритамиз.

### МУҲОКАМА

«Лайли ва Мажнун» операси ва унда қўлланилган мақом йўллари хусусида. «Лайли ва Мажнун» операси Алишер Навоийнинг шу номли асари асосида Ш. Хуршид томонидан янгитдан яратилган пьесанинг асосини ташкил етган либретто, асосий қахрамоннинг интеллектуаллигини ёрқин кўрсатган. Бу опера яратилмасдан олдин мусиқали театр, сўнг мусиқали драма сифатида халқнинг кўнглидан жой олиб улгурган эди. 1940-йилда у янги ҳаёт бошлади. Операнинг мусиқали драмадан фарқли томонлари, мусиқали драмада бош қахрамон «Қайс» образи характеристикаси Навоий яратган образдан жуда фарқ қилади. Толибжон Содиқов хотираларида шундай деб ёзади: «Мен хар доим мусиқали драмадаги «Қайс» образига танқидий кўз билан қарадим ва операда бу образга Навоийнинг асаридаги каби характеристика беришга ҳаракат қилдим». Лекин операда ҳам бу қахрамоннинг мусиқий характеристикаси А.Навоий асаридагидек бўлмади.

«Лайли ва Мажнун» лирико-эпик опера бўлиб, етти картинадан ташкил топган. Унинг асосини якка номерлар эгалласада, хор ва ансамбль ва балетнинг аҳамияти катта. Операда асосан учта қахрамон яъни Лайли, Қайс ва Омир образлари лейтмотивларга асосланган. Арияларнинг асосида ўзбек анъанавий мусиқасидаги турли мақом йўлларида фойдаланилган. Масалан: II картинадаги Қайснинг марказий арияси «Бузрук» мақомининг 2-гуруҳ шўъбасидаги «Ироқ» куйи асосида ёзилган, Мажнуннинг «Гиря» арияси Фарғона-Тошкент мақом йўлларида «Шахнози Гулёр»нинг «Гиря» қисмидан олинган. Лайлининг VII картинадаги ариясида «Чоргоҳ», Лайлининг отаси Омир ариясида «Баёт IV», Науфаль арияси «Чапандози Гулёр», Мажнуннинг VII картинадаги арияси «Сегоҳ» мақоми куйлари асосида яратилган. Бундан ташқари опера партитурасини кузатганимизда Лайло ва Қайснинг партияларида араб мусиқасига ҳос бўлган интонация (оҳанг)лар эътиборимизни тортади. Фикримизча бунга сабаб асарда Лайли ва Қайснинг араб қабилаларидан эканлиги ёзилганлиги бўлса керак. «Бўрон» операсидан фарқли ўларок «Лайли ва Мажнун»даги якка номерларнинг деярли барчасида Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида фойдаланилган.

Шу ўринда, бир савол туғилади, нега энди Фарғона-Тошкент мақом йўлларида кенг фойдаланилган? Фикри ожизимизча Фарғона-Тошкент мақом йўллари Шашмақомга нисбатан халқ орасида кенг тарқалган ва машҳурдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек илк халқда қизиқиш уйғотиш мақсадида операларда халққа таниш бўлган оҳанглардан кўпроқ фойдаланилган. Балки шу сабабдан бу мақом йўлларида фойдаланилгандир?

Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ихтибос сифатида олинган куйлар асосий иштирок этаётган қахрамонларнинг мусиқий характеристикасини очиб беришга хизмат қилади.

Бу борада Қайснинг 2-қисмдаги арияси аҳамиятга моликдир. У шашмақомдаги «Бузрук» мақомининг Ироқ шўъбаси асосида яратилган, Бу ария Ироқ куйини тўлақонли равишда қайтаради. Ария ироқнинг миёнхат қисмидан бошланади. Бу куй Қайснинг лейтмавзусига айланади ва бутун опера давомида хар-ҳил кўринишларда ўтади. Бу куй

Қайс образи характеристикасининг интонацион уруғи бўлиб, мураккаб психологик образни тасвирлашга катта ёрдам беради. Қайснинг лейтмавзуси операнинг хар бир қисмида, хар-ҳил вариантларда намоён бўлади.

Увертюрада бу мавзу юмшоқ, шоирона характерда виолончеллер билан ижро этилса, I-картинада бу мавзу оркестр эпизодида ҳаяжонли характерда келади. Қолган қисмларда бу мавзу икки вариантда келади. Улардан бири оркестр партияларида эпизодларда ривожлантирилади. Иккинчиси эса вокал қисмларда ривожлантирилади. Қайс ариясидан ташқари «Ироқ» куйи II картинадаги Лайли ва Қайснинг дуэтида, IV-VII картинадаги Лайли арияларида ва шу қисмларнинг хор сах ларида ривожлантирилган тарзда қўлланилади. Операдаги барча ихтибослар «Ироқ» куйчалик мукамал бўлмасада, хар бир мақом куйининг оҳанглари дерли ўзгармаган ҳолда қўлланилган. Бу борада VII картинадаги Лайлининг арияси Ироққа жуда яқин. Унда «Чоргоҳ»га ҳос оҳанглари ҳам миллийлигини сақлаб қолган. Бутун операдаги ихтибослардан «Ироқ» ва «Чоргоҳ» куйлари гармоник бўёқлар, симфоник ривожланиш жихатдан мукамал дейиш мумкин.

### ХУЛОСА

Операдаги мақом куйларининг ўзига ҳос миллийлигини сақлаб қолишида ижронинг ҳам аҳамияти катта. Кириш бўлимида тўхталиб ўтилган опера муаммолари бу ерда муваффақиятли амалга оширилган, яъни либреттога ҳам ижрога ҳам ижобий баҳо бериш мумкин. Шу билан бир қаторда бу опера камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. «Бўрон» билан «Лайли ва Мажнун»ни солиштирганда унда опера жанри хусусиятлари камроқлигини кўриш мумкин. Операда ариялар биринчи ўринга чиқиб қолган. Оркестрнинг аҳамияти кам. У аксарият ҳолларда жўрнавот вазифасини бажаради.

«Лайли ва Мажнун» операсининг тақдими 1940-йил 18 июлда бўлиб ўтди ва катта муваффақият қозонди. Қайс образини- Муҳиддин Қори-Ёқубов, Лайли образини- Ҳалима Носирова сингари буюк санъаткорлар ижро этдилар. «Лайли ва Мажнун» операси маълум камчиликлардан ҳоли бўлмасада, ўзбек халқининг энг сеvimли операларидан бирига айланди. У мусиқий меросимизнинг касбий қатлами бўлмиш «Шашамақом» ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида унумли фойдаланганлиги билан эътиборга лойиқдир. «Лайли ва Мажнун» операсини ҳақиқий миллий опера деб тан олиш керак.

### REFERENCES

1. Р.Глиэр, Т.Содиқов. «Лайли ва Мажнун» клавир.
2. «Лайли ва Мажнун» CD ёзув.
3. Ян Пеккер. «Узбекская опера» Москва 1984.
4. История Узбекской Советской музыки I том Ташкент 1972 г.
5. История Узбекской Советской музыки II том Ташкент 1973 г.
6. Исҳоқ Ражабов . «Мақомлар» Тошкент 2006.
7. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
8. Achildiyeva M, Ikromova F(2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
9. Ikromova F (2022): O'ZBEK OPERA SAN'ATI MUHTOR ASHRAFIY TIMSOLIDA INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "YOUTH,

SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS  
" Vol. 1 No. 2 110-115

10. Ikromova F (2022): THE EMERGENCE OF THE SCHOOL OF COMPOSITION IN UZBEKISTAN.(On example of educational activities of the composer B.B.Nadejdin) Published by International journal of Social Sciences Vol.11,No.07.July 127-129
11. Khojimamatov A, Ikromova F (2022): A Look at the Polyphony and Theoretical Heritage of S.I.Taneev Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences (Brussel, Belgium 2022) ISSN 2795-7683 87-89 bet
12. Ikromova F (2022): DRAWINGS ON THE LIFE PATH OF THE BRILLIANT COMPOSER SULEYMAN YUDAKOV IN THE HISTORY OF UZBEK MUSIC OF THE 20<sup>TH</sup> CENTURY... Vol. 1 No. 2 (2022): INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS 85-94
13. Ikromova F (2022): Mutal Burkhanov has Been in the World of Uzbek Music Place ,Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences Volume 10| July, 2022 ISSN: 2795-7683 , 12-14
14. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244
15. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308